

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

.. 17 " январь 2018 й. г. № 31

Тошкент ш. – г. Ташкент

Банкни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун йиғим, шунингдек, банк рўйхатдан ўтказилганлиги ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун давлат божи миқдорларини белгилаш тўғрисида

"Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида" 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ лицензия даъвогарининг аризасини кўриб чиққанлик учун йиғим миқдори ҳар бир лицензияланадиган фаолият тури бўйича лицензияловчи органнинг ушбу аризани кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин. Лицензия даъвогарларининг аризаларини кўриб чиққанлик учун йиғим суммалари лицензияловчи орган ҳисобварағига ўтказилади.

2. Қуйидагилар:

банкни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун йиғим энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида;

банк рўйхатдан ўтказилганлиги ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун давлат божи банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоизи миқдорида белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, банк рўйхатдан ўтказилганлиги ва банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун тўланган давлат божи маблағлари суммаси лицензияловчи органнинг махсус ҳисобварағига ўтказилади ва уч кун муддатда тўлиқ ҳажмда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтирилади.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Молия вазири Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Б.Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов